



№ МРР 5 «1» 11 2014 г.

**«Махсус техник регламентни  
тасдиқлаш тўғрисида»**

**ҚАРОР**

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги Эксперт комиссиялар тўғрисидаги низом» асосида Эксперт комиссияси томонидан экспертизадан ўтказилган «Почта алоқасида хавфсизликни таъминлаш талаблари» махсус техник регламенти лойиҳасини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Почта алоқасида хавфсизликни таъминлаш талаблари» махсус техник регламенти «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ тасдиқлансин.
2. «Почта алоқасида хавфсизликни таъминлаш талаблари» махсус техник регламенти тасдиқланганлиги тўғрисида маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмий эълон қилинсин.
3. Тасдиқланган махсус техник регламент расмий эълон қилинган пайдан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

Бош директор

А.К.Курбанов